Ўзбекистон Республикаси
БУХОРО ВИЛОЯТИ
ОЛОТ ТУМАН
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
BUXORO VILOYATI
OLOT TUMAN
HOKIMI
QARORI

2019 йил "27" февраль Олот туман 377-сон

Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиклаш ҳакида"ги карорига (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ туманда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш максадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ички ишлар бўлими (Р.Нозиров) белгиланган тартибда ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларини ташкиллаштирсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли карорига мувофик 2018 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишда жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолати тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар томонидан ҳам текширилиши мумкинлиги белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Транспорт воситалари куйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортик бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташкари) одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли

юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда;

д) навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъий назар, уларни ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

е) улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъий назар, ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

4. Мазкур қарорнинг 2-банди "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта — 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта — 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан 31 августгача ўтказилсин.

5. Транспорт воситалари ДЙҲХХ органлари томонидан техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган миқдорларда йиғим ундирилади.

Техник кўрик ўтказилганлиги учун йиғим суммаси тегишли маҳаллий бюджетга ўтказилсин.

6. Техник кўрикни ўтказиш жадвали 1-иловага;

техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссия раиси (Қ.Ҳамдамов)га:

юридик шахсга техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юбориш;

техник кўрикни ташкилотларда, диагностика станцияларида ва техника хизмати кўрсатиш станцияларида иш вактида, техник назорат постларида иш кунларининг кундузги ва тунги вактларида ёки ҳафтанинг дам олиш купларидан бирида ўтказиш;

техник кўрикдан ўтказишда техник жиҳатдан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз кайта жиҳозланган транспорт воситаларининг камчиликлари ва носозликларни бартараф этиш бўйича белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

8. Мазкур карор "Олот хаёти" газетасида эълон килинсин ҳамда хокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу карор расмий эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Қарорнинг бажарилишини назорат килиш туман хокимининг ўринбосари С.Жумаев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **Ш.Саломов**

ISH YURITISH BO'LINMASI

Туман ҳокимининг 2019 йил 27 февралдаги
377-сонли карорига 1-илова

Техник кўрикни ўтказиш жадвали

Т/р	Ташкилот ва корхона номи	Техник кўрик ўтказиш жойи	Кўрикка қўйилаётган транспорт воситалари сони	Техник кўрикдан ўтказиш муддати
1	Олот туман ҳокимлиги	Олот кўчаси	5	03.03.2019 й
2	Олот нефт ва газ кидирув экспедицияси МЧЖ	Олот шоҳ кўчаси 147	4	06.03.2019 й
3	Олот туман ДСЭНМ	Навоий 10	4	06.03.2019 й
4	Олот туман давлат ветеринария бўлими	Ёшботир МФЙ	1	06.03.2019 й
5	Олот қишлоқ хўжалиги касб ҳунар коллежи	Ёшботир МФЙ	6	07.03.2019 й
6	Олот туман молия бўлими	Олот кўчаси	1	07.03.2019 й
7	Агробанк тижорат банки Олот филиали	Шифокор кўчаси	1	07.03.2019 й
8	Халқ банки Олот филиали	Олот кўчаси 3-уй	3	07.03.2019 й
9	Лутфулло Жуманиёз Файз фермер хўжалиги	Жумабозор ҚФЙ	1	10.03.2019 й
10	Салимжон Ашур фермер хўжалиги	Бахористон ҚФЙ	2	10.03.2019 й
11	Сарвар Худоёрова фермер хўжалиги	Усмоншайх МФЙ	3	10.03.2019 й
12	Исмоил Абдулло фермер хўжалиги	Гулистон ҚФЙ	1	14.03.2019 й
13	Ойша Шухрат фермер хўжалиги	Бахористон ҚФЙ	1	14.03.2019 й
14	Яшнарбек Санақулов фермер хўжалиги	Гулистон ҚФЙ	1	14.03.2019 й
15	Бозоргул Мавлонова деҳқон хўжалиги	Жумабозор ҚФЙ	1	14.03.2019 й
16	Исо жумаев омади деҳқон хўжалиги	Чорбоғ ҚФЙ	1	16.03.2019 й
17	Рахим фермер хўжалиги	Жумабозор ҚФЙ	1	16.03.2019 й
18	Санжар Жўраев фермер хўжалиги	Чандир ҚФЙ	1	17.03.2019 й
19	Ихтиёр Бозоров деҳқон хўжалиги	Гулистон ҚФЙ	1	17.03.2019 й
20	Комил Эргаш фермер хўжалиги	Чорбоғ ҚФЙ	2	24.03.2019 й

Туман ҳокимининг 2019 йил 27 февралдаги
377-сонли қарорига 2-илова

Техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссия

ТАРКИБИ

Қ.Ҳамдамов	Олот туман ИИБ ЙХХГ катта инспектори, комиссия раиси.

Аъзолари

Б.Абдуҳакимов	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Олот туман бўлими бошлиғи
З.Аллоқов	Олот тумани Маҳалла хайрия жамоат фонди раиси
Ў.Хончаев	Олот туман Автомотоҳаваскорлар шўъба жамияти бошлиғи
М.Холмуродов	Олот туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи
В.Абдуллаев	"Active Trans Servise" МЧЖ техник кўрикдан ўтказиш диагностика маркази бошлиғи
Ш.Ҳамроев	Ўзавтодарётранс агентлиги Бухоро вилояти бўлими инспектори

Олот туман ИИБ ЙХХГ
катта инспектори **Қ.Ҳамдамов**